
ХИТОЙЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Бугун вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Хитойнинг қурилиш, энергетика соҳаси бўйича фаолият олиб боровчи йирик компаниялар раҳбарларидан иборат делегацияни қабул қилди.

Учрашувда хитойлик инвесторлар томонидан қурилиш, энергетика, иссиқлик, сув таъминоти ва иситиш тизимлари бўйича Фарғонада амалга оширилиши режалаштирилаётган инвестицион лойиҳалар борасида сўз борди.

Хитойлик ишбилармонлар вилоят ҳоқимига қурилиш, хусусан, девор учун янги материаллар, электр қурилиши, иссиқлик алмашинуви станциялари, сув таъминоти, иситиш тизимлари, электр кабелли ишлаб чиқариш жараёни бўйича маълумот бердилар. Келгусида ушбу инвестицион лойиҳаларни Фарғонада ҳам ҳамкорликда амалга ошириш бўйича таклифлар билдирилса, инвестиция киритишга тайёр эканликлари қайд этилди. Мазкур инвестицияларнинг умумий ҳажми 80 миллион доллардан ортиқни ташкил этади.

Вилоят ҳоқими корхоналар фаолияти акс этган тақдиротлар билан танишиб, ушбу йўналишларда ҳамкорлик қилиш бўйича тадбиркорлар бириктирилиши ва лойиҳалар устида биргаликда ишлашга тайёр эканлигини маълум қилди.

Лойиҳалар бўйича ҳамкорликда иш ташкил қилишга келишиб олинди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-08-16 21:15:45